

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2026 йил 3 март куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: Б.Хайдаров, ҳайъат судьялари: М.Абдубаннабов ва А.Омоновдан иборат таркибда, Н.Миллажоновнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори Н.Азимов, судланган ХХХ ва ҳимоячи З.Эрматоваларнинг иштирокида, ХХХга оид жиноят ишини унинг апелляция шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2026 йил 21 январдаги ҳукмига кўра:

ХХХ, ХХХХ йил Х сентябрда Қўқон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам;

- 1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2011 йил 7 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида 596.820 сўм жарима жазосига судланган, жарима тўлиқ тўланган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2020 йил 7 январдаги ҳукмига кўра ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан 2 йил 4 ой 28 кун озодликни чеклаш жазосига;
- 3) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2021 йил 15 январдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2022 йил 1 июлдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддаси тартибида ўталмаган 3 йил 7 ой 27 кун жазоси иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштириб, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 15 августдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси тартибида ўталмаган 1 йил 8 ой 27 кун жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, ХХХХ яшаган, 2025 йил 7 декабрда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,



Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ХХХ хавфли рецидивист бўлгани ҳолда Ю.Турғунов билан олдиндан тил бириктириб, 2025 йил 17 май куни соат 14⁰⁰ да Қўқон шаҳар, “Мингтут” МФЙ, Олтин замин кўчаси, 62-уй олдида турган Р.Латиповга тегишли 5.000.000 сўмлик темир арматура буюмларини яширин равишда ўғирлаганликда;

2025 йил 21 май куни соат 15⁰⁰ да Қўқон шаҳар, “Шикорбеги” МФЙ, Шикорбеги кўчаси, 23-уйга кириш эшиги ёнидаги ораликдан ғайриқонуний равишда кириб, баҳоси 5.000.000 сўмлик циркуляр арра қурилмасини ва жами баҳоси 400.000 сўмлик электр кабелларини яширин равишда ўғирлаганликда айбланганлар.

Мазкур ҳукм билан Ю.Турғунов ҳам судланган бўлиб, апелляция шикояти ёки протести киритилмаганлиги сабабли ҳукмнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Судланган ХХХ апелляция шикоятида, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда енгиллик беришни сўраган.

Судланган Ю.Турғунов, жабрланувчи О.Рахматов ва Р.Латипов эътирозномаларида, шикоятга эътироз билдирмаганлар.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Хайдаровнинг маърузасини, прокурор Н.Азимовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, судланган ХХХ ва ҳимоячи З.Эрматоваларнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган ХХХнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган ўғирлик жиноятини содир этганлиги, ўзининг иқрорий кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи Р.Латипов ва О.Рахматовларнинг кўрсатувлари, далилий ашёни олиш ва кўздан кечириш баённомалари, фотосуратлари, тилхат, шунингдек иш ҳужжатларидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиниб, унинг ҳаракати ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

ХХХ апелляция шикоятида, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда енгиллик беришни сўраса-да, унинг бу важлари қуйидаги далиллар билан рад қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, маҳкумга ахлоқан тузалиши, у ва бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши;

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм айбдорга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб



тайинланган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди ХХХга жазо тайинлашда, юқоридаги қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароити, жабрланувчига етказилган моддий зарар бартараф қилинганлиги ва жабрланувчини даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб топиб, у муқаддам содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўташдан шартли равишда озод қилинган бўлса-да, жинойи хулқ-атворини давом эттириб, қасддан янги жиноятни содир этганини инобатга олиб, модда санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, адолатли хулосага келган.

Зеро, суд томонидан ХХХга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб, тури ва миқдори жиҳатдан меъёрида тайинланиб, бу билан жазолашдан кўзланган мақсадга эришилади.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси ХХХга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига асосланиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

ХХХга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2026 йил 21 январдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/ Б.Хайдаров

Ҳайъат судьялари: /имзо/ М.Абдубаннабов

/имзо/ А.Омонов

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья Б.Хайдаров

